Газета 1997 йил 27 августдан чиқа бошлаган

1999 йил, 29 сентябрь, чоршанба # 39 (103)

МУСТАҚИЛЛИК ҲУҚУҚ ДЕМАКДИР

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРОКУРАТУРАСИНИНГ ГАЗЕТАСИ

1999 йил 5 декабрь -
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига ҳамда халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар кенгашларига сайловлар куни;

2000 йил 9 январь -
Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови куни

Ҳар бир инсон бевосита ёки эркинлик билан сайланган вакиллари воситасида ўз мамлакатини бошқаришда иштирок этиш ҳуқуқига эгадир... Халқ иродаси ҳукумат ҳокимиятининг негизи бўлмоғи лозим; бу ирода вақти-вақти билан бўладиган ва сохталаштирилмаган сайловда ўз аксини топиши, ушбу сайлов умумий ва тенг сайлов ҳуқуқига кўра, яширин овоз бериш йўли билан ёки овоз бериш эркинлигини таъминлайдиган бошқа тенгма-тенг шакллар воситасида ўтказилиши керак.

(Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясининг 21-моддаси)



Гўзаллик дунёни қутқаради.

• *Муносабат*

ҚИРҒИЗИСТОН ЖАНУБИДАГИ ВАЗИЯТГА ДОИР

Қирғизистон Хавфсизлик Кенгаши раиси Болот Жонузоқовнинг Бишкекда бўлиб ўтган брифингда келтирган маълумотларига кўра, кейинги кунларда ҳукумат қўшинлари билан террорчилар ўртасида йирик жанговар тўқнашувлар рўй бергани йўқ. Ҳукумат қўшинлари мамлакат ҳудудини босқинчилардан тозалаш бўйича режалаштирилган тадбирларни амалга оширмоқда. Унинг таъкидлашича, Боткен туманида ҳозирги пайтда 750 га яқин жангари бор.

Б.Жонузоқов Қирғизистон ҳукумат қўшинлари Ўзбекистон, Қозоғистон, Тожикистон, Арманистон ва Россиядан ҳарбий-техник ёрдам олганликларини маълум қилди. У шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Қирғизистон раҳбари Аскар Акаевга мактуб йўллаб, Бишкекнинг босқинчиларга қарши амалга ошираётган барча ҳаракатларини тўла маъқуллашини ва минтақада вазиятни издан чиқаришга интилаётган диний экстремистларга қарши курашда Ўзбекистон қўшни республикани ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга ҳозир эканлигини билдирганлигини айтди. Унинг таъкидлашича, жанг ҳаракатлари бошланганидан буён ҳукумат қўшинларидан 16 киши ҳалок бўлган, 30 киши яраланган. Маҳаллий аҳолидан ҳам 4 киши ҳалок бўлган.

***

Қирғизистон ҳукумат қўшинлари босқинчи тўдаларни тор-мор этиш бўйича қатъий чоралар кўришга киришди. Масалан, яқинда Қирғизистон Республикаси ҳарбий ҳаво кучлари томонидан Чўн-Олой туманида террорчилар жойлашган ҳудуд бомбардимон қилинганида 30 га яқин жангари ҳалок бўлган.

Жангарилар ўзлари эгаллаб олган жойлар аҳолисидан дори-дармонларни тортиб олишга интилмоқда. Бу эса улар орасида кўплаб яраланганлар борлигидан ва уларга тиббий ёрдам кўрсатишда қийинчиликлар мавжудлигидан далолат беради.

Қирғизистон бўлинмалари Қадамжой туманидаги ўз мавқеларини мустаҳкамламоқдалар. Ўта муҳим иншоотларни кўриқлаш ташкил этилган. Жанговар ҳаракатлар рўй бераётган ҳудудлардан маҳаллий аҳоли кўчирилмоқда.

Боткен туманининг террорчилар томонидан эгаллаб турилган қишлоқлари аҳолиси Қирғизистон раҳбарияти номига мурожаатнома йўллади. Унда ўз қишлоқларини жангарилардан озод қилиш учун тезда барча зарурий чора-тадбирларни амалга ошириш талаб қилинган.

Ғофур ЖАМОЛОВ

• *Хабарлар*

«Италия ва Ўзбекистон. Истиқбол ва тараққиёт». Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлиги ва Италиянинг мамлакатимиздаги элчихонаси ҳамкорлигида ташкил этилган Италия технологияси ҳафталиги ана шу мавзудаги симпозиум билан бошланди. 1 октябрга қадар давом этадиган мазкур тадбир давомида олтита семинар ўтказилиши кўзда тутилган.

***

«Моторола» - электрон тизимларни яратишда ва телекоммуникация соҳасида хизмат кўрсатиш бўйича жаҳонда танилган компаниядир. У симсиз ва ер сунъий йўлдошларидаги алоқа йўллари орқали Интернет тармоқларига йўл очади, компьютер ва тармоқ технологиялари ҳамда автомобиль электроникаси соҳаларини мувофиқлаштиради.

Яқинда республикамизда ушбу компаниянинг ваколатхонаси очилди. Айни пайтда эса GM ва GP серияли «Моторола» радиостанцияларини йиғишга ихтисослашган қўшма корхона ҳам иш бошлади.

ГАЗЕТАМИЗНИНГ КЕЙИНГИ СОНИДА «ҚОНУН ҲИМОЯСИДА» ЖУРНАЛИ ВА «ҲУҚУҚ» ГАЗЕТАСИ ТАҲРИРИЯТИНИНГ НАВОИЙ ВИЛОЯТ ПРОКУРАТУРАСИ ҲАМКОРЛИГИДА ЖОЙЛАРДА ЎТКАЗГАН УЧРАШУВИ ҲАҚИДА ҲИКОЯ ҚИЛУВЧИ МАТЕРИАЛЛАР БИЛАН ТАНИШАСИЗ.

• *Устозларимиз*

1 ОКТЯБРЬ - ЎҚИТУВЧИЛАР ВА МУРАББИЙЛАР КУНИ



Тошкент шаҳридаги 197-ўрта мактаб ўқитувчиси Ақида Тўлаганова ҳам умрини, ҳаётини ёш авлод тарбиясига бахш этган минглаб мураббийларимиздан бири.

Суратда: *А.Тўлаганова ўқувчилари даврасида.*

Ҳар бир хат эътиборда

ЗАМОНА ЗЎРНИКИМИ?

Ҳурматли таҳририят!

Бир ҳақсизлик туфайли нажот излаб Сизларга мактуб йўлламоқдаман. Олти фарзандни қийинчилик билан ҳам ота, ҳам она бўлиб вояга етказдим. Бунинг устига 1980 йилда аварияга учраб 1 гуруҳ ногирони бўлиб қолдим. Болалар улғайган сайин ташвишлар ортмоқда. Энг ёмони, жўжабирдай жоннинг бир ҳовлида яшаб келиши мушкул бўларкан.

Катта фарзандим Обиджон яқинда 28 ёшни, укаси Ашрафжон 27 ёшни қаршилашди. Уларга уй-жой олиш учун жуда кўп овора бўлдик. Хўжалик раиси Абдухолиқ Сафаров ва ер тузувчи Шавкат Қорабоевлар ҳузурига бўзчининг мокисидай қатнаб, охири бир ўғлимни рўйхатга ёздирдим. Туман марказидан келган ер тузувчиларга 8-рақамли ана шу уй-жой паспорти учун 2150 сўм тўлаб, чипта олдик. Лекин қувончимиз узоққа чўзилмади. Исмат исмли ҳамқишлоғимиз, бу уй-жой менинг ўғлимга тегишли, деб бизни ҳақоратлаб, ерни олиб қўйди. Ахир унинг уй-жойи бор, болалари ҳали ёш бўлса. Бу гапларни кўтараолмай яна туман шифохонасига тушдим.

Қачонгача менинг фарзандларим уй-жойсиз, битта ҳовлида тиқилиб яшашади? Ёки замона зўрникими?

Хосият ҲАКИМОВА,
Пастдарғом тумани, Кўчқор Тўраев номли жамоа хўжалиги

Самарқанд вилояти бўйича ўз мухбиримиз Мансур Аловуддинов мазкур шикоят хатидаги важларни ўрганиб чиқиб, бизга қуйидагиларни маълум қилди:

- Фуқаро Хосият Ҳакимованинг шикоят хати тафсилотларини атрофлича ўрганиб чиқдим. Унинг 1972 йилда туғилган Ашрафжон исмли фарзанди уйланган, оилали бўлганлиги сабабли унга Арабхона қишлоқ фуқаролар Кенгашининг 1998 йил 6 мартдаги қарорига асосан 8 сотих уй-жой ажратиб берилган. Бироқ, шу қишлоқда яшовчи Исмат Остоновнинг мазкур уй-жойни асоссиз равишда банд қилиб олганлиги аниқланди.

Қўшнисининг бу ноқонуний хатти-ҳаракатлари юзасидан туман прокуратурасида иш қўзғатилган ва уй-жой албатта, қонуний эгасига қайтарилади.

Ҳакимованинг катта фарзанди Обиджон ҳали уйланмаган, алоҳида оила бўлмаганлиги сабабли унга уй-жой ажратиб берилмаган. Аммо оилали бўлгач, қарор асосида албатта, унга ҳам уй-жой ажратиб берилади.

Қўчқор Тўраев номидаги жамоа хўжалиги маъмурияти хат муаллифи оиласининг ижтимоий шароитини инобатга олиб, муттасил моддий ёрдам кўрсатиб туришни ўз зиммасига олди.

• *Прокурор назорати*

МАОШИМИЗНИ ҚАЧОН ОЛАМИЗ?

Халқимизда «ишлаган тишлайди», деган мақол бор. Лекин бу мақолни Янгиер шаҳрида яшовчи баъзи фуқаролар эскирган деб ҳисоблашмоқда. Нега дейсизми?

Кейинги пайтларда баъзи корхона-ташкилот раҳбарларининг масъулиятсизлиги ва беэътиборлиги туфайли Янгиер шаҳри бўйича шу йил 8 ойи мобайнида жами 65,8 млн. сўм иш ҳақининг муддати ўтиб кетса ҳамки, ушбу иш ҳақларини эгаларига тарқатиш мутасадди раҳбарларнинг ҳаёлига ҳам келмаган.

1999 йилнинг 7 ойи давомида шаҳар прокуратурасига иш ҳақларини ундириш тўғрисида фуқаролардан 31 та ариза келиб тушган.

Жумладан, Янгиер шаҳар прокуратурасига «Мирзачўлқурилиш» бирлашмасига қарашли 19-сонли механизациялашган кўчма колонна ишчилари Т.Атабоев 61457 сўмлик, М.Тоҳиров 63048 сўмлик, С.Волинкин 63334 сўмлик ва А.Азимов 35106 сўмлик ойлик маошларини 1997 йилнинг январидан 1999 йилнинг апрелига қадар олмаётганликлари тўғрисида ариза билан мурожаат қилишган.

Уларнинг аризалари ўрганиб чиқилиб, 19-сонли МКК раҳбарияти томонидан Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг 154-161 моддалари талаблари кўпол равишда бузилганлиги

(Давоми 6-бетда)

• *Жаҳон давлатларининг сайлов тажрибасидан*

БУЮК БРИТАНИЯДА САЙЛОВ ТИЗИМИ

Дунёдаги ривожланган мамлакатлардан бири - Буюк Британиядаги сайлов амалиёти кўпчиликда қизиқиш уйғотиши шубҳасиз. Маълумки, Англия, Уэльс, Шотландия, Шимолий Ирландия, Мэн ва Нормандия ороллари Бирлашган Қироллик тасарруфига киради. Бирлашган Қироллик парламентининг вакиллар палатасида умумхалқ сайлови ўтказилишининг ўзига хос хусусиятлари бор. Зотан, бу сайловга ҳар гал жаҳон афкор оммаси катта қизиқиш билан қарайди. Хўш, бунинг сабаби нимада? Андоза олишга арзигулик жиҳатлари борми?

Аввало, Буюк Британия сиёсатининг ўзига хос жиҳатлари мавжуд. Мамлакатда қабул қилинган ягона Конституция йўқ. Парламент ҳужжатлари, низомлар, тегишли суд қарорлари Қироллик Конституциявий ҳуқуқининг асоси ҳисобланади. Давлат тизими - Парламентар монархия ҳисобланади. Бирлашган Қироллиқни ўз номи билан Қирол бошқаради. 1952 йилдан буён қиролича Елизавета II давлат бошлиғидир.

Бирлашган Қироллик парламенти 2 палатадан иборат. Яъни, қиролича тайинлайдиган ёки мерос сифатида ўтадиган Лордлар ва Пэрлар палатаси ҳамда халқ томонидан 5 йил муддатга сайланадиган умум палатаси фаолият кўрсатиб туради.

Қонун чиқарувчи ҳокимиятни Қирол ва Парламент бошқаради. Қироличанинг амри билан мамлакат парламенти тарқатиб юборилиши ва янги парламент сайланиши учун сайловлар ўтказиш мумкин.

Буюк Британия Бирлашган Қироллигида ўнлаб сиёсий партия ва ҳаракатлар мавжуд. Кўп йиллардан буён асосий кураш Консерваторлар ва Лейбористлар партиялари ўртасида боради.

Буюк Британияда сайлов қонуни кўп асрлар мобайнида такомиллашиб борган.

Буюк Британияда сайловлар демократия элементларидан ҳисобланади. Сайловлар жараёнини Ички ишлар ва бошқа ваколатли вазирликлар кузатиб боришсада, аммо Парламент сайловларини ташкил қилиш билан махсус шуғулланадиган бирор бир ташкилот йўқ. Парламент сайловларини ҳар бир сайлов округидан мавжуд бўлган сайловлар бўйича Вакил (СВ) ташкил қилади. Туман кенгашлари тепасида турган шахслар, округ шерифлари ёки мэрлари сайловлар бўйича вакил лавозимини эгаллаши мумкин. Сайловлар бўйича вакил сайлов натижаларини маълум қилиб туради. Сайлов бўйича вакил ваколатига қуйидагилар киради: блютеннлар чоп этиш, сайлов тўғрисида билдирув эълон қилиш, сайлов участкалари блютеннлар саноғини аниқлаш учун зарур барча нарсалар билан жиҳозланганлигига гувоҳлик бериш ва ҳакозолар.

Буюк Британияда умумий сайлов ҳуқуқи қатор цензлар (потенциал сайловчига қўйиладиган талаблар) билан чегараланади. 1960 йилдаги халқ вакиллиги тўғрисидаги қонунга асосан вояга етганлик цензи 18 ёш қилиб белгиланган. Бундан ташқари, ўтроқлик деб аталувчи ценз ҳам мавжуд. Ўтроқлик цензи давлат томонидан белгиланган талаб бўлиб, унга мувофиқ сайлов ҳуқуқи у ёки бу жойда истиқомат қиладиган фуқароларга берилади. Бундай ценз кўпгина хорижий мамлакатларда мавжуд. Бироқ, ҳар бир давлатда унинг қўлланилиши ва мазмуни ўзига хос хусусиятларга эга. Айрим мамлакатларда ўтроқлик цензи билвосита шаклида ифодаланган. Чунончи, Буюк Британияда сайловчи муайян давр мобайнида рўйхатдан ўтиши лозим. Башарти, у бу вақтда рўйхатдан ўтмаган бўлса, сайловда қатнашмайди. (Бу қоиданинг бир қатор истисноларибор).

Буюк Британияда сайловлар белгиланган муддатларда ўтказилади. Баъзи ҳолларда эса, парламент сайловини ўтказиш муддати сиёсий вазиятга қараб ўзгариб туриши мумкин. Депутат ишдан четлатилганда, истеъфога чиққанда ёки вафот этган ҳолатларда қўшимча сайловлар ўтказилади. Бундай ҳолларда у тегишли сайлов округида ташкил қилинади.

Бош вазир парламент сайлови ўтказилиши муддати тўғрисидаги қарорни чиқаради. Сайлов округларининг чегаралари вақти-вақти билан қараб чиқилади ҳамда демографик ўзгаришлар ҳисобга олиниб, ўзгартирилиши мумкин. Сайлов округи участкаларга бўлинади. Сайлов участкалари бўйича сайловчилар рўйхатга олинади ва тегишли рўйхатлар тузилади. Ҳар бир сайлов округида сайловчиларни рўйхатга олиш учун масъул хизматчи бўлади. Одатда у маҳаллий сайлов кенгаши томонидан тайинланган катта ижроия хизматчи

(Давоми 5-бетда)

• Прокурор иш бошлади

Мамлакатимиз Президенти Ислом Каримов Олий Мажлиснинг XIV сессиясида қилган маърузасида республикамизнинг XXI аср арафаси ва унинг дастлабки йилларидаги ривожланиш стратегиясининг асосий йўналишларини белгилаб берган эди. Юртбошимиз мазкур йўналишлардан бири - кадрлар масаласи хусусида тўхталиб: «Биз олдимизга қандай вазифа қўймайлик, қандай муаммони ечиш зарурати туғилмасин, гап охир-оқибат, барибир кадрларга ва яна кадрларга бориб тақалаверади. Муболағасиз айтиш мумкинки, бизнинг келажагимиз, мамлакатимизнинг келажаги, ўрнимизга ким келишига ёки бошқачароқ айтганда, кадрлар тайёрлашимизга боғлиқ», деган эди. Республика прокуратураси раҳбарияти ҳам Президентимизнинг ушбу сўзларидан кейин кадрларни тайёрлаш ва жой-жойига қўйиш масаласига жиддий эътибор қаратди. Прокуратура идоралари сафини ўзишининг фидойилари бўлган ёшлар билан мустаҳкамлаш, уларни раҳбарлик лавозимларига тайинлаш борасида талай ишлар қилинди. Бир сўз билан айтганда, Республика прокуратураси раҳбарияти ёшликнинг ғайрати ва шижоатини инсон ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, қонунларга итоат руҳида ишлаш ва яшашни назорат қилишдек мураккаб ишга йўналтирди.

Ҳозирги кунда прокуратура идораларида билдирилган ишонч ва умидни оқлаш йўлида фидойилик билан меҳнат қилаётган ёш прокурорлар сафи тобора ортиб бормоқда. Газетамиз саҳифаларида улар фаолиятига бағишлаб «Прокурор иш бошлади» рукни остида доимий равишда материаллар бериб бормоқдамиз.

Бугунги саҳифамиз меҳмони Самарқанд шаҳар прокурори, I даражали ҳуқуқшунос Олимжон ТОЖИБОЕВ.

Олимжон Тожибоев - 1966 йилда туғилган. 1990 йилда ТошДУнинг ҳуқуқшунослик факультетини тугатган. Иш фаолиятини Тошкент вилояти Зангиота туманида иш ўрганувчиликдан бошлаб, мазкур прокуратурада катта терговчи, катта ёрдамчи лавозимларида ишлаган. Сўнгра Тошкент вилояти прокуратурасида, Республика прокуратурасида фаолиятини давом эттирган. 1999 йил июль ойидан эътиборан Самарқанд шаҳар прокурори.

* * * *

ШИРИНОВНИНГ ШАЙТОНЛИКЛАРИ

«Сутдан оғзи куйган, қатиқни ҳам «пуф»лаб ичади», деган мақол бор. Бу кинояли мақол балким, билиб-билмай қилиб қўйган гуноҳи учун тавбасига таяниб, эҳтиёткор бўлиб қолган одамлар шаънига қарата айтилгандир. Лекин, самарқандлик Шавкат Ширинов бундай одамлар хилидан эмас экан. У жиноят содир қилгани учун илгари ҳам суд ҳукми билан 3 йил муддатга озодликдан маҳрум этилиб, қилмишига яраша жазо олиши муқаррар эди. Аммо Амнистия акти туфайли тайинланган жазодан қутулиб қолди.

Бундан Ш.Ширинов ўзига хос огоҳлантириш сифатида ноқонуний хатти-ҳаракатлар қандай оқибатларга олиб келиши хусусида хулоса чиқариши лозим эди. Лекин у кўрсатилган меҳр-шафқат қадрини билмади, хатосини тузатиш учун берилган имкониятдан тўғри фойдалана олмади. Орадан бир йил ўтар-ўтмас яна жиноятга қўл урди.

***

Киноларда, телевидение кўрсатувларида чет эллик карчалонларнинг акция, қимматбаҳо қоғоз деб аталмиш шапалоқдек келадиган қоғоз ортидан соат сайин мўмай даромадга эга бўлаётганлиги хусусида бот-бот хабар қилинади. Матбуот айрим компанияларнинг қимматбаҳо қоғозларига биржаларда талаб кучайиб, нархи осмонга сапчиб кетганлиги, бунинг ортидан акциялар эгалари миллионларга эга бўлаётганлиги ҳақида шов-шувли материалларни чоп этарди. Булардан бохабор бўлган, ўзини ишбилармон деб ҳисоблаган Шавкат Ширинов катта сармояга эга бўлишнинг истиқболли йўлларидан бири қимматбаҳо қоғозлар билан ишлашда деб билди. «Акциялар бозори бизда нисбатан янги соҳа. Ҳали бу борада ишнинг кўзини биладиган «аслар етишиб чиққанича йўқ. Бир ҳаракат билан, акциялар бозорида сардорликни қўлга киритиш мумкин», Ш.Ширинов шу хаёллар тинчлик бермади. Орзу-истакларини амалга ошириш мақсадида «Хазина-инвест» масъулияти чекланган жамиятини ташкил қилди. Аммо, орзу бошқа, иш бошқа экан. Жамият директори лавозимида иш бошлаган Ш.Ширинов фаолиятининг дастлабки кунлариданоқ бунга амин бўлди. Ишлари юришавермаганидан сиқилди. Акцияларга бўлган меҳру-муҳаббат ҳам қалбини тарк этди. Директор барибир аҳдидан қайтмади. «Хазина-инвест»нинг оёққа туриб олиши учун чираниб-чирманди. «Энди орқага қайтиш йўқ. Жамиятим янги корхона. Ҳар қандай янги ташкилот ишларини йўл қўйиб олгунча озми-кўп қийинчиликларга дучор бўлиши табиий. Бас шундай экан, олдинда турган ҳар қандай тўсиқларни енгиб ўтиш керак!».

Шу хаёллар билан ўзини-ўзи овутган директор жаноблари кўп ўтмай «тадбиркор»лигини, аниқроқ қилиб айтганда шартнома тузишдаги шайтонликларини бошлаб юборди.

1997 йил февраль ойида Ш.Ширинов «Геология СВ» корхонаси раҳбари С.Багировга кўнғироқ қилиб, корхонангизга тегишли 1536 дона акция менинг қўлимда, уларни мен сотиб олдим, дейди. Сўнгра, директор қимматбаҳо қоғозлар билан ишлаш хусусидаги ўзининг тажрибалари, фикр-мулоҳазалари билан С.Багировда ижобий тушунча ҳосил қилишга эриша олади. «Геология - СВ»га тегишли акцияларни қисқа кунларда сотиб бера олишини ва бунинг орқасидан корхона мўмай даромад қилиши мумкинлигини билдиради. Ш.Ширинов нинг гапларидан, ҳавойи сўзларидан мўмдай эриган корхона раҳбари «Геология - СВ»га тегишли 1536 дона оддий акцияларни сотиш ниятида эканлигини айтади. Бу «Хазина-инвест» директорига жуда қўл келади. С.Багировнинг ҳали ундай, ҳали бундай гаплар билан алдаб-алқаб унинг корхонасига тегишли бўлган 1536 дона оддий акцияларни сотиб бериш ҳақида шартнома тузишга эришади. Кўп ўтмай ана шу мақсад учун «Геология - СВ» корхонаси томонидан «Хазина - инвест» ҳисоб рақамига 1.843.000 сўм маблағ ўтказиб берилади.

Ш.Ширинов эса ҳудди шу нарса керак эди. Ҳисоб рақамига сармоя тушгач, у «ишбилармон»лигининг янги қирраларини намойиш қилди. Мақсадли маблағни жамиятнинг қарзларини, телефон харажатларини тўлашга сарфлади. Ўзининг орзу-мақсади йўлида ҳам пулни аямади. Ейишга келганда тоғ ҳам чидамайди, дейишади. Кўп ўтмай «Хазина-инвест» корхонаси томонидан «Хазина - инвест» ҳисоб рақамига 1.843.000 сўм маблағ ўтказиб берилади.

Ш.Ширинов бунга ҳам қаноат қилмасдан, 1997 йилнинг 22 октябрида «Бурғу - асбоблари» ҳиссадорлик жамиятининг 3488 дона оддий акцияларини сотиб бериш ҳақида келишиб, 2-сонли шартнома тузади ва мазкур шартнома асосида тузилган далолатномага кўра ҳар бири 1000 сўмдан баҳоланган умумий нархи 3.488.000 бўлган корхонанинг 3488 дона акцияларини қабул қилиб олади.

«Бурғу-асбоблари»нинг жуда кўп миқдордаги мулкини қўлга киритган Ш.Ширинов ошиғини олчи ҳисоблайди. Акциялардан ўз манфаатлари йўлида қарздан қутулган ҳисоблайди. Аммо, «Геология - СВ» корхонасининг шунча миқдордаги айланма маблағини қарийб тўрт ой давомида ўз мақсади йўлида ишлатиб, корхона манфаатларига жуда катта миқдорда зарар келтирганлигини ҳаёлига ҳам келтирмайди.

Ш.Ширинов бунга ҳам қаноат қилмасдан, 1997 йилнинг 22 октябрида «Бурғу - асбоблари» ҳиссадорлик жамиятининг 3488 дона оддий акцияларини сотиб бериш ҳақида келишиб, 2-сонли шартнома тузади ва мазкур шартнома асосида тузилган далолатномага кўра ҳар бири 1000 сўмдан баҳоланган умумий нархи 3.488.000 бўлган корхонанинг 3488 дона акцияларини қабул қилиб олади.

«Бурғу-асбоблари»нинг жуда кўп миқдордаги мулкини қўлга киритган Ш.Ширинов ошиғини олчи ҳисоблайди. Акциялардан ўз манфаатлари йўлида фойдаланишга киришади. Акцияларнинг 1200 донасини Самарқанд вилоят Саноат-қурилиш банкига ҳар бирини 1850 сўмдан, жами 2.220.000 сўмга сотади ва яна 2000 та акцияни 3 ойдан сўнг банкдан ҳар бирини 2.200 сўмдан сотиб олиш шарти билан гаровга қўяди.

«Хазина-инвест» раҳбари яна омад келди, деб ҳисоблаб, Саноат-қурилиш банки томонидан ўтказилган 2.220.000 сўмнинг 1.843.000 сўмини «Бурғу-асбоблари» ҳисоб рақамига ўтказиб беради. Бу билан у тағин қарздан осонликча қутулиб кетдим, деб ҳисоблайди ўзини. Маблағнинг қолган қисми эса яна жамиятнинг телефон харажатлари, иш ҳақи ва солиқ тўловларини тўлаш учун ишлатилади. Бу вақт ичида эса уч ой ичида қайтариб олиш шарти билан гаровга қўйилган 2000 дона акция ҳам Саноат - қурилиш банки ихтиёрига ўтиб кетади. Бу ҳаракатлари билан Ш.Ширинов «Бурғу-асбоблари» ҳиссадорлик жамияти манфаатларига жуда катта миқдорда зарар етказади.

Ш.Ширинов нинг юқоридаги ҳаракатлари юзасидан Самарқанд шаҳар прокуратураси томонидан жиноий иш қўзғатилиб, «Хазина-инвест»нинг «тадбиркор» директори қамоққа олинди. Унга нисбатан олиб борилган тергов ҳаракатлари тугалланиб, иш айблов хулосаси билан судга юборилди.

Ривоят қилишларича Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Мўмин одам ўзини бир кавакдан икки марта илон чиқиб чақмоғига йўл қўймас!», деган эканлар.

Афсуски, Ш.Ширинов бу нақлнинг мазмун-моҳиятига тушуниб етмади. Ва илгари содир этган жиноятини яна такрорлади. Бу гал эса қонуний жазо уни четлаб ўтмайди.

Олимжон ТОЖИБОЕВ,
Самарқанд шаҳар прокурори,
I даражали ҳуқуқшунос

ХАЛҚАРО ҲАЁТ

Россия оммавий ахборот воситаларининг тарқатган хабарига қараганда Грузия давлати ҳудуди орқали Чечняга қурол-аслаҳа олиб ўтилмоқда.

Мамлакат президенти Эдуард Шеварднадзе журналистларга берган интервьюсида бундай хабарлар уйдирма ва ҳеч қандай манбага асосланмаганлигини таъкидлади.

Бундай чиқишлар сони эса кейинги вақтда анча кўпайиб кетган. Бу эса Грузиянинг халқаро майдондаги обрўэътиборига путур етказиши мумкин. - Бу каби салбий ҳолатларни бартараф этиш учун Грузия ва Россия ҳукуматлари раҳбарлари тўғри йўл топа олишларига ишонч билдираман, - деди пировардида Э.Шеварднадзе.

***

Москвада хавфсизликни таъминлаш мақсадида шаҳар мэри Юрий Лужков ўз фармойиши билан махсус хавфсизлик тартибини жорий этди. Жамоат тартибини сақлаш идоралари ходимлари ҳар куни 12-13 соатдан, дам олиш куни ва таътилларсиз ишламоқдалар, дейди Москва шаҳар ИИББ матбуот маркази бошлиғи В.Вершков.

Бир куннинг ўзида ИИББнинг навбатчилик қисмига уйлар, жамоат жойларига портловчи моддалар қўйилганлиги ҳақида 18 та хабар келиб тушган. Лекин уларнинг ҳаммаси ёлғон хабар бўлиб чиқди.

Бугунги кунгача Москвада яшаш учун ноқонуний тарзда рўйхатга қўйилган 517 та шахс шаҳардан чиқариб юборилган. Бундай шахсларни шаҳардан чиқариш давом этмоқда, дейди шаҳар ИИББ бошлиғи ўринбосари А.Вельдяев.

Шунингдек, ҳозиргача 300 мингдан ортиқ автотранспорт воситалари текшириб кўрилганда, уларнинг 11 мингтаси Шимолий Кавказда рўйхатга олинганлиги аниқланган.

***

Қозоғистон божхона хизматининг тарихида биринчи марта жуда катта миқдордаги гиёванд - моддаси қўлга туширилди.

Қирғизистон фуқароси 45 та пакетда, жами 44 килограмм бўлган заҳри қотилни Новосибирск вилоятига олиб кетаётган экан. Бунинг учун унга Қирғизистон пойтахтида 1,5 минг АҚШ доллари миқдорида пул тўланган. У молни Новосибирск яқинидаги Корасук шаҳарчасида бир номаълум шахсга топшириши керак эди. Олийнинг баҳоси 400-500 минг АҚШ долларини ташкил этади, деб тахмин қилинмоқда.

Қозоғистон бугунги кунда гиёванд моддалари олди-сотдиси билан шуғулланувчи шахслар учун транзит коридори бўлиб қолмоқда. Бу ерда ойниқса, туя ёрдамида гиёванд моддаларни олиб ўтишга уринган кўплаб шахслар қўлга олинмоқда. Лекин шунга қарамай, бундай жиноятчиларнинг сони камаймаяпти.

(Хориж матбуоти хабарлари асосида тайёрланди)

• *Қонун барчага баробар*

«БЎРИ»ЛАР

ЁКИ ҚЎЙЛАРГА ҚИРОН КЕЛТИРГАН ЧЎПОН ВА РАИС ҲАҚИДА

«Наврўз» ширкатлар уюшмасининг бош чўпони Ҳамро Бойтўраев отарида 157 бош қўй камомади аниқланади. Хўжалик тафтиш комиссияси раиси Гулбой Юсупалиев бу ҳақда уюшма раиси Эшмўмин Эрназаровни ёзма равишда хабардор қилади.

- Тезда муттаҳамни чақиртиринг. Бир гаплашайлик-чи, нима деркин - дейди бу ҳунук воқеадан воқиф бўлган раис.

...Кунлар кетидан кунлар ўтиб борарди. Аммо на чўпондан, на раисдан садо чиқмасди.

Юсупалиев бу гапни раисга яна эслатди. Ва «Шошманг, ўйлашиб кўрайлик қани» деган жавоб олди.

Уюшма бош ҳисобчиси Бекмурод Эшонқуловнинг ҳам пайтавасига қурт тушганди. У Бойтўраевни қистовга олди.

- Сиздан бironта қўй қарзим борми? - деди унга.

- Йўқ, нимага ундай дейсиз?

- Бўлмаса, ғайрни, камомад қўйларни хўжаликка тўлаб, орани очиқ қилинг. Айтиб қўяй: агар вақт ғаниматида этакни ёпмасангиз, оқибати яхши бўлмайди.

Негадир Бойтўраев шунча гап - сўздан кейин ҳам пинагини бузмасдан юраверди.

- У моллар ўлиб кетган. Раис бова билади, - дерди у нуқул.

- Айтишдан армон қолмади. Энди Бойтўраевга тегишли материалларни маъмурий идораларга топширмасам бўлмайди, - деди охири тоқати тоқ бўлган Юсупалиев.

Бу гап Эрназаровнинг зардасини қайнатди.

- Э, қизиқ одам экансиз-ку. Унинг нимасини органга топширасиз. Бу қўйларнинг барини дўл уриб ўлдирган-ку. Хабарингиз йўқми? - деди у бақрайиб.

- Йўқ, буни энди сиздан эшитаяпман.

- Эшитмаган бўлсангиз эшитиб қўйинг. Шундай деб ҳужжат қилингизлар. Ҳисобчиларга ҳам айтаман.

Юсупалиевнинг устидан бир сатил совуқ сув қуйгандай бўлди. У нима дейишини билмай қолди.

Орадан кўп ўтмай шахсан раиснинг кўрсатмаси билан уюшма чорва ҳисобчиси Шеркул Мамаюсупов сохта далолатнома ёзди. Унда қайд этилишича, гўё Хомкон тоғида кучли жала ва дўл ёғиши оқибатида Ҳамро Бойтўраевнинг отаридан 157 бош қўй ҳаром ўлган эмиш. Далолатномада ҳатто уларнинг тури, ёши ва шунга ўхшаш зарур белгилари тўғрисида ёлғон маълумотлар ҳам киритилган. Ниҳоят Эрназаров уни тасдиқлаб, бошқа тегишли шахсларга ҳам имзо чектирган.

Ушбу далолатномани туман қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармаси чорвачилик бўлими бошлиғи Бўри Эшмуродовга раиснинг ўзи олиб борган.

- Табиий офат туфайли кўп қўй ҳаром ўлди, - дейди у. - Шуни ҳужжатлаштиргандик. Сиз ҳам имзо чекиб берсангиз.

Эшмуродов унинг гапига лаққа ишониб, илтимосини бажо келтиради. Сўнг:

- Нобуд бўлган молларнинг тери ва каллаларини тўплаб қўйингизлар. Бориб кўрамиз, - дея тайинлайди.

Кейинчалик у ўлган қўйларнинг тери ва каллаларини кўрсатишни сўраганда эса «Бефаросатлар сақлаб қўйишмабди. Сизларнинг келиб кўришларингизни билишмаганда» дея яна муғомбирлик қилган раис.

Эшмуродов бу далолатноманинг қалбаки эканлигини шундан кейин сезиб қолган.

Хуллас, Ҳамро Бойтўраев ўз отаридаги чорва молларнинг сақланиши бўйича тўлиқ моддий жавобгар шахс бўла туриб, ўзига ишониб топширилган 808 минг 550 сўмлик 157 бош қўйни ўзлаштириш орқали талон-тарож қилган. Бу билан уюшмага жуда кўп миқдорда моддий зарар етказган.

Эшмўмин Эрназаров хўжалик раҳбари сифатида Бойтўраевдан камомадни ундириб олиб, хўжаликка етказилган зарарни қоплаш чорасини кўриши лозим эди. У эса аксинча ўз хизмат вазифасини суиистеъмол қилган ҳолда ҳужжатларни қалбакилаштириш йўли билан бу қўйларни ҳисобдан чиқариб, уюшмага жуда кўп миқдорда моддий зарар етказилишига сабабчи бўлган.

Раиснинг айтишича, Бойтўраевнинг оилавий аҳволи оғир бўлганлиги учун унга ёрдам кўрсатмоқчи бўлган эмиш. Чиндан ҳам у шунчалик олижаноблмикан? Буни худо билади...

Бойтўраев тергов даврида камомад қилинган қўйларни тўлиғича туёқ сони ҳисобида тўлашга мажбур бўлди. Лекин ҳар иккала айбланувчи ҳам жазодан қочиб қутила олмади.

Жаббор МАҲМАДАМИНОВ,
Шеробод туман прокурори
Қурбон ЖЎРАНАЗАРОВ,
«Ҳуқуқ» мухбири

• *Бир жиноят тафсилоти*

80 МИНГ СЎМ ПУЛ ВА ИНСОН ҲАЁТИ

- Алло, бу ички ишлар бўлимими? «Чаман» оромгоҳига борадиган асфальт йўл ёқасидаги Қашқадарё дарёсининг саёз жойида бир жасад сув ичида ётибди...

Зудлик билан тергов ва тезкор-қидирув гуруҳи ишга киришди. Ҳақиқатан ҳам дарёнинг чап қирғоғи яқинида европа миллатига мансуб бўлган 40-45 ёшлар чамасидаги аёл кишининг жасади қумда тўхтаб қолганлиги, жасаднинг устида ҳеч қандай кийимлари йўқлиги аниқланди. Жасаднинг бадани деярли шикастланмаган, фақат бўйнининг чап ярмида сиртмоқ изига ўхшаш жароҳат мавжуд эди.

Суд - тиббиёт экспертизаси номаълум аёл ип ёки ипга ўхшаш жисм билан бўғиб ўлдирилганлиги ҳақида хулоса берди.

Тезкор қидирув тадбири натижасида икки соат ичида марҳуманинг шахси аниқланди. У Қарши шаҳар Ёшлар уйи қошидаги «Соғломлаштириш» комплекси директори бўлиб ишлаб келаётган Нина Петрова бўлиб чиқди.

Энди тезкор гуруҳ олдида навбатдаги вазифа: уни ким, қачон ва нима мақсадда ўлдирганлигини аниқлаш турарди. Тезда марҳуманинг яшаш жойи аниқланиб, ўша ерга етиб бордик. Уйда бизни аёлнинг 20 ёшли ўғли Василий ва 16 ёшли қизи Наталья кутиб олди.

- Биз таажжубдамиз, - дейишди улар ота-онасининг қаердалигини сўраганимизда. - Бир кун илгари отамизни эрта тонг соат тўртларда 40-45 ёшлар чамасидаги ўзбек миллатига мансуб бир киши оқ рангли ВАЗ-2106 русумли автомашинада Сурхондарёнинг Термиз шаҳрига олиб кетувди. Ўша киши кечқурун шу машинасида қайтиб келиб, отамизни Термиз шаҳрида қолганини айтиб, онамизни ва опамизни ҳам олиб кетди. Жуда хавотирдамиз, нимадир содир бўлганга ўхшайди.

Биз болаларга аҳволни тушунтирдик. Навбатдаги тахминларга таяниб, икки нафар ходимни Н.Петрованинг уйида қолдириб, ВАЗ-2106 русумли машинани ва унинг эгасини аниқлашга киришдик.

Орадан ярим соат ўтиб - ўтмай «06» яна Петровлар эшиги олдида тўхтади ва машина эгаси хонадонга ташриф буюрди. У зудлик билан қўлга олиниб, суриштирув ишлари бошлаб юборилди. Машина эгаси Амин Тўхтаев ёлғон кўрсатма беришдан фойда йўқлигини

Амин Тўхтаев 1998 йил июнь ойи бошларида Қарши шаҳридаги Қизилмачит маҳалласида яшаган ва уйини сотиб, доимий яшаш учун Россияга кетаётган Н.Петрованинг уйида яшаётган Лариса Дордюкнинг илтимосига кўра, укаси Алексей Дордюк учун ҳарбий гувоҳнома тўғрилаб беришни ваъда қилиб, эвазига ундан 80 минг сўм пул олади.

«Таниш-билишинг кўп бўлганига не етсин, - хаёл сурди у Яккабоғ туман мудофаа ишлари бўлимининг бўлинмаси бошлиғи вазифасида ишловчи таниши Аҳмад Эргашев ва унинг ёрдамчиси Шуҳрат Турсуновлардан ҳарбий гувоҳномани 20 минг сўм пулга сотиб олгач, - мана уларнинг шарофати билан 60 минг сўм ёнга қолди. Ишқилиб, Дордюкка ўхшаганлар тез-тез йўлиқиб турсин. Э, шу пайтгача қанча одамларга диплом, гувоҳномалар тўғирлаб бермади».

Танишларининг ҳаммаси, «шустрийсан» дейишар, ҳавас қиладиганлар ҳам, ҳасад қиладиганлар ҳам топиларди.

Амин бўлғуси ишларни ўйлаб Петровалар хонадонига етиб келди.

- Улар аллақачон кўчиб кетиб бўлишди, - деди эшикни очган Нина Петрова Аминнинг гапини эшитгач, - Энди гувоҳноманинг кераги йўқ. Пулни қайтариб беравринг.

Аминнинг капалаги учиб кетди.

- Бунинг иложи йўқ,- деди у ўзини босишга уриниб. - Пулни тегишли одамларга бўлиб берганман.

- Бу мени қизиқтирмайди. Ё



пулимизни қайтариб берасан ё ҳуқуқни муҳофаза қилиш идораларига мурожаат қиламан.

Амин тарвузи қўлтиғидан тушиб уйига қайтди.

- Петровлар анойи эмас экан. Пулни бермасам, қаматтириб юборишдан қайтмайди, - маслаҳат солди укаси Салимга.

- Эсини еганми улар, - жаҳли чиқди Салимнинг. - Э, улар - нингчи, бурнини ерга ишқалаш керак.

Ўзларича режани пишитгач, ака-ука 1998 йилнинг 30 июнида Петровларнинг уйига келишди.

- Пулни Термиздаги танишларга берганмиз, улардан олиб келиш керак, бирга бормасангиз бўлмайди, - улар шундай дея хонадон эгаси Сергей Петровни олиб, тонгги соат 4 ларда йўлга чиқишди.

Машина Қарши-Шаҳрисабз автомобиль йўлининг Қарши тумани Чим қишлоғи ҳудудига етиб келганда Амин Салимга маъноли кўз қисди. Чаққонлик билан тайёр сиртмоқни олиб Петровнинг бўйнига солишди ва ўлганига ишонч ҳосил қилгач, жасадни Чироқчи тумани ҳудудидан оқиб ўтувчи «Москва» каналига ташлашди.

- Биратўла таг-томири билан йўқотишимиз керак, -Амин билан Салим оиланинг қолган аъзоларини қандай «йўқотиш» ҳақида яна бир бор маслаҳатлашиб олишди.

Кечқурун Амин яна Петровлар хонадонига таширф буюрди.

- Хўжайинингизнинг ёнида ҳужжатлари йўқ экан. Термиз чегарасида ушлаб қолишди. Паспорти ва гувоҳномасини олиб бориб, чиқазиб олиш керак, - деди у Нина Петровага.

Нинанинг кўнглига қандайдир ғулғула оралади. Соат 22 лар чамаси.

- Юр, қизим, бирга борамиз, - у ўзи билан катта қизи Иринани олиб чиқди.

Машина Қарши-Чим - Шаҳрисабз автомобиль йўли билан боришда Ғузор тумани ҳудудида «Бибо» ошхонасидан 200 метрча ўтган жойда йўл чеккасида тўхтади.

- Санга пул керакми, мана пул.

Ака-ука олдиндан тайёрлаб қўйган сиртмоқларни она-боланинг бўйнидан ўтказдилар. Нина қаршилик қилишга уриниб, Аминнинг юзига чанг солди. Аммо оёл киши эркакка бас кела олармиди?

Ака-ука она-боланинг жасадини Қарши тумани Ҳилол қишлоғидаги кўприкдан Қашқадарё дарёсига ташлаб юборишди.

Энди ака-сингилни йўқотиш керак. Уларниям амаллаб уйдан олиб чиқишса бас. Ҳаммаси юмалоқ ёстиқ бўлиб, ёпиғлиқ қозон ёпиғлигича қолади.

Шундай ўй билан Амин яна Петровларникига келди. Бу ерда эса уни тезкор тергов-жиноят қидирув ходимлари кутиб олишди.

Шу тариқа ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари ходимларининг ҳаракатлари туфайли жиноят ўз вақтида фош этилди, икки кишининг ҳаёти сақлаб қолинди.

Жиноят иши бўйича тўпланган далиллар натижасида Аҳмад Эргашев ва Шуҳрат Турсуновлар ҳам ўз жиноий қилмишларига тўлиқ иқрор бўлдилар.

Ака-ука Амин Тўхтаев ва Салим Ражабовлар қилмишларига яраша жазога тортилдилар.

Мазкур жиноят ишини якунлар эканман, хаёлимни яна одатдаги саволлар чулғайди. Одамзод жиноят қилишдан қачон чарчайди ва жаҳолатдан қачон қутулади? Ахир, ўзингиз ўйланг, саксон минг сўм пул уч кишининг ҳаётига зомин бўлишга арзийдими? Умуман, кейинги пайтларда қарз туфайли, пул туфайли қотилликка қўл уриш жиноятлари содир этилмоқда. Наҳотки, инсон ҳаётининг пулчалик қадри бўлмаса? Жиноят содир этаётган кимсалар кимнингдир бошига солган жабри эртага ўзининг ҳам бошига тушишини ҳеч ўйлармикинлар? Улар ҳаммаси тинчиб кетади, деган фикрлари мутлақо нотўғри эканлигига фош қилинаётган жиноят ишлари тафсилотлари билан танишиб, англаб етишмаганмикин?

Биз қонунга, адолатга таянган демократик давлат қуриш йўлидан бормоқдамиз. Қонун устивор давлатда эса ҳеч қандай жиноят изсиз кетмайди. Буни мамлакатнинг ҳар бир фуқароси англаб етиши зарур ва шарт.

Сайфулла АЗИЗОВ,
Қашқадарё вилоят прокурорининг биринчи ўринбосари, адлия маслаҳатчиси

• *Жаҳон давлатларининг сайлов тажрибасидан*

БУЮК БРИТАНИЯДА САЙЛОВ ТИЗИМИ

(Бошланиши 2-бетда)

ҳамда сайловлар бўйича вакилнинг ўринбосари ҳисобланади.

Ҳар йили сайловчиларни рўйхатга олиш қайта кўриб чиқилади.

Депутатликка номзодлар кўрсатиш, сайлов кампаниясининг муҳим босқичи ҳисобланади. Бунда номзод ўз кўли билан тегишли органга ариза ёзиши керак. Номзод кўрсатиш учун бир неча сайловчи имзолаган аризани тақдим этиш кифоя.

Парламент тарқатиб юборилгандан сўнг, 8 кун мобайнида номзод тайинланганлиги ҳақидаги ариза сайловлар бўйича вакилга тақдим этилиши керак. Аризада номзодни таклиф этоётган шахс, унинг вакили ва бошқа 8 нафар сайловчининг номзодлари бўлиши даркор. Овоз бериш ҳар бир сайловчининг субъектив ҳуқуқи сифатида қаралади. У бу ҳуқуқдан ўз хоҳишига кўра фойдаланиши мумкин.

Сайловчилар сайлов участкасига келишгач, рўйхатдан ўтадилар. Улардан ўз шахсларини тасдиқлаш учун ҳужжатлар талаб қилинмайди. Шимолий Ирландияда эса, сайловчилар ўз шахсларини тасдиқлашлари учун ҳужжат кўрсатишлари шарт. Башарти рўйхатда сайловчининг номи қайд этилмаган бўлса, у овоз беролмайди. Агар овоз беришга раис рухсат бермаса, сайловлардан сўнг сайловчи судга мурожаат қилиши мумкин.

Парламентнинг ҳар бир аъзоси тахминан 66500 сайловчи киradиган бир мандатли сайлов округида овоз бериш йўли билан сайланади. Ҳар гал умумий сайловлар 100-140 нафар янги аъзоларни олиб келмоқда. (Пенсияга чиқиш ёки парламентда фаолият кўрсатувчи аъзоларни сайловларда мағлубиятга учраши муносабати билан). 1997 йилдаги умумий сайловда бу рақам анча салмоқли - 242 нафар бўлди.

Спикерлар палата аъзолари орасидан сайланади. Шундан сўнг улар партиявий фаолиятларини тўхатишлари лозим. Спикерларга берилган ваколатлар катта. Улар айни вақтда кадрлар масаласи билан шуғулланувчи умум палата комиссиясининг раиси ҳам ҳисобланади.

Хулоса шуки, Буюк Британиядаги вакиллик органларига сайловлар ўтказиш тажрибасини ўрганиш ва мақул жиҳатларидан андоза олиш фойдадан холи эмас.

• *Сабоқ*

ҚАНДАЙ ЯШАЯПСАН, МАҲБУС?

Қамоқхона. Бу сўзни эшитган ҳар қандай кишининг танаси бир сесканиб кетади. Хаёлида «ўтириб» чиққанлардан эшитган гаплар, маҳбуслар ҳаёти ҳақида ўқиганлари, киноларда кўрган манзаралар бир-бир пайдо бўлади.

Хизмат сафарида бўлганимизда вилоят прокурорининг қамоққа олинганларни сақлаш ва жазони ижро этиш жойларида қонунларга риоя этилиши устидан назорат қилиш бўйича катта ёрдамчиси Раҳимжон Тошбулов билан суҳбатимиз озодликдан маҳрум этилганларни қайта тарбиялаш ва очиқдаги ҳаётга тайёрлаш масалалари хусусида бўлди. Суҳбатдошимиз «вилоятимизда жазони ижро этиш муассасаси бор. Хоҳласангиз, у ердан яхши мақола қилишингиз мумкин», деб қолди.

Тўғриси, қамоқхона ҳақида гап кетган паҳзадаёқ хаёлимда деворлари сим билан ўралган, қўлига қурол тутган соқчилар кўриқлаётган жой пайдо бўлди. Лекин, «манзил»га етганимиздан сўнг мен бутунлай бошқа манзарага гувоҳ бўлдим. Гулларга бурканган муассаса ҳовлисидаги мевалар ғарқ пишган экан. Лекин қамоқхона нафаси барибир юракни сиқар, беихтиёр ҳазрат Навоийнинг,

«Олтин қафас ичра
гар қизил гул битса,
Булбулга тикондек
ошён бўлмас эмиш»

деган мисралари ёдга келди. Бизни кутиб олган муассаса бошлиғининг биринчи ўринбосари Назар Холбеков ҳазил аралаш «бу ер қамоқхона эмас, санатория» деди. Сўнг қўшимча қилиб, «бизнинг жазони ижро этиш муассасамиз «манзил колонияси» деб ҳам аталади. Сабаби, маҳбуслар шу ердан ўз уйларига қайтишади. Бир сўз билан айтганда ҳаётга тайёрланишади. Ишга боради. Телевизор кўриб, дам олади. Оиласидагилар билан учрашишади.

... Маҳбуслар билан суҳбатлашамиз.

- Эбазер Пардаевман - дейди биринчи суҳбатдошимиз. - Мост ҳолатда қотилликка кўл урганман. Қилмишимдан пушаймонман. Суд ҳукми билан 11 йил озодликдан маҳрум қилинганман. 8 йил «ўтирдим». Кўл урган ишимнинг оқибатини англаб етдим. Насиб қилса 2001 йил 6 августда уйга қайтаман. Президентимизнинг амнистия тўғрисидаги инсонпарварлик фармони туфайли жазо муддатим қисқарди. Бунинг учун юртбошимиздан беҳад миннатдорман.

- Оилангиз борми?

- Икки қиз ва бир ўғлим бор. Тез-тез хабар олиб туришади. Насиб қилса, озодликка чиқсам, улар тарбиясига эътибор қаратаман. Ниятим бошқалар менинг хатомни такрорламасин...

- Инсон дунёга бир марта келади, - дейди иккинчи суҳбатдошимиз маҳбус Комил Элмуродов. Лекин биргина қалтис қадам инсоннинг ҳаётини чилпарчин қилиб юборар экан. Бунга мен ишонч ҳосил қилдим. Ҳаётдан умидларим кўп эди. 1997 йилнинг 25 январи ҳаётимдаги энг оғир ва қора кун бўлиб қолди. Кутилмаганда она-болани автомашинада уриб кетдим. Сўнг... Суд ҳукми билан 8 йилу уч ойга озодликдан маҳрум қилиндим.

- Ўз қилмишингиздан виждонингиз қийналадими?

- Албатта. Машина рулига ўтирган қайси бир ҳайдовчи бировни босиб кетай дейди? Фалокат юз берди. Начора. Айбдорлигимни тан оламан.

- Уйга қайтиш учун яна қанча вақт бор?

- 31 ой. Юртбошимизга раҳмат. Яқинда имзо чеккан амнистия тўғрисидаги фармонидан сўнг менга берилган жазонинг 3 йил 21 куни олиб ташланди.

- Оилангиз борми?

- 3 фарзандим бор.

- Тақдирга ишонасизми?

- Албатта, агар тақдиримизда ана шу азобли кунлар бўлмаганда - бу ерларда юрармидик...

- Одамларга айтадиган гапларингиз?

- Инсон ёруғ оламда доим ҳушёр бўлсин. Ҳаёт биз ўйлаганимиздан-да мураккаб экан. Ҳеч кимга ўз тақдиримни раво кўрмайман.

Биз ўзини Аваз Тошматов деб таништирган маҳбусдан ҳеч нарса сўрамадик. 28 ёшли маҳбус аччиқ тақдири хусусида бир бошдан ўзи гапирди:

— Икки нафар фарзандим бор. Москва Давлат университетини битирганман. Шеърларим матбуотда эълон қилинган. Гулистон шаҳар ҳокимиятида ишлаб юрган пайтимда уй олиб бераман, деб биттасидан 24 минг сўм фирибгарлик йўли билан пул олганман. Қилмишим фош қилингач, суд 9 йилга озодликдан маҳрум қилди. Ҳеч кимга ҳеч қандай эътирозим йўқ.

Ҳаёт мураккаб. Унинг ўз қонунлари бор. Агар бировнинг ҳақини есанг, жамиятнинг ўзи сени жазолайди. Юқоридагиларнинг тақдири ҳам бунга мисол. Айрим кимсалар ҳаётда кимларнидир чув туширмоқчи бўлади. Қилғиликни қилиб айрим ҳолларда жазодан қутулиб қолмоқчи бўлади. Ахир, «Кўза кунда эмас, кунида синади», дейишади-ку. Биз кўплаб маҳбуслар билан суҳбатлашдик. Уларнинг аксарияти ўз қилмишлари учун жазосини олганлигини тан олишди. Римлик ёзувчи Сенека «Тўғри йўлга қадам қўйишнинг биринчи шарти айбига иқрор бўлишликдир», деган эди. Бу сўзлар минг йиллар олдин айтилган бўлсада, ҳали ҳам ўз кучини йўқотгани йўқ.

З.МАМАДАЛИЕВ,
«Ҳуқуқ» мухбири

• *Воажаб*

КАШАНДА ХОТИННИНГ ЖАЗОСИ

Литванинг Кельме шаҳридаги касалхоналарнинг бирига 44 ёшли бир аёл жуда оғир аҳволда олиб келинади. Врачларнинг айтишича, аёлни текшириш жараёнида унинг оёғи, қорни, бели ва кўкрагида қиздириб босилган дазмол излари аниқланган.

Маълум бўлишича, унинг турмуш ўртоғи 38 ёшли Антанас аввалари ҳам доимий равишда хотинини қийноққа солиб келган. Унинг ваҳшийлиги ҳатто шу даражага етганки, у бир неча марта аёлнинг тирноқларини гугурт билан ёқиб, устига қайноқ сув қуйиб қийнаган. Лекин, хотини нимагадир бу ҳақда бирон марта ҳам полицияга хабар қилмаган.

Полиция томонидан ўтказилган тергов вақтида «нима учун хотинингизга бунчалик даражада зўғум ўтказиб келгансиз?» деган саволга Антанас « у кроватда ётганида доим сигарет чекарди», деб жавоб берган.

• *Лёл шаъни*

МОҲИРАНИНГ «МАҲОРАТИ»

ОЛДИДА ЭРКАКЛАР ИП ЭШОЛМАГАНДИ

Аёлларга бўлган муносабатига қараб, ҳар бир миллатнинг келажаги ҳақида муайян хулосага келиш мумкин. Момолари иззатда, оналари икромда, опа-сингиллари ҳурматда бўлган юртнинг эртанги куни бугунидан яхши бўлишига шубҳа йўқ. Бу фикрларимиз тўла-тўкис жаноҳон Ўзбекистонимизга ҳам тегишлидир. Мамлакатимизда ўтиш даври қийинчиликларига қарамай, истиқлолнинг дастлабки йилларидаёқ аёлларга эътибор давлат сиёсати даражасига кўтарилди. Юртимизда таъсис этилган илк орденнинг «Соғлом авлод учун» деб номланишиёқ фикримиз далилидир. Негаки, соғлом онагина соғлом авлодни дунёга келтириб, вояга етказиши мумкин.

Шу пайтгача аёлларимиз учун неки яхши ишлар қилинган бўлса, барини олқишлаган ҳолда шуни айтамизки, 1999 йил мамлакатимиз тарихига алоҳида аҳамиятга молик сана сифатида ёзилажак. Чунки, Ўзбекистонда 1999 йил - Аёллар йили деб эълон қилинди.

Бунга жавобан аёлларимиз, опа-сингилларимиз ўтиш даврининг қийинчиликларини мардона енгиб, мустақилликни мустаҳкамлаш ишида фаол қатнашмоқдалар. Биз улар сафининг мукаммал бўлишини орзулаб, аёллар гулзорининг тиконсиз бўлишини истаймиз. Ушбу «материал»ни ҳам шу ниятда газетхонлар эътиборига ҳавола этаяпмиз. Начора, гуруч қурмаксиз бўлмас экан. Шундайлардан бири қаршилик «тадбиркор» Моҳира Бозорова бўлиб чиқди.

Моҳирага берилган тадбиркор деган сифатни бекорга қўштирноқ ичида келтирмаяпмиз. Миллий мустақилликдан кейин ҳар жабҳада одамларнинг имконияти кенгайиб, ўз хусусий корхонасида савдо ҳамда ишлаб чиқариш билан шуғулланадиган шахслар тадбиркор дея аталди. Одатда, тадбиркорлар нима қилсам ҳам, эл учун қилай, яхши-ёмон кунда эл билан бўлай, дер эдилар. Тўғрисини айтганда бунга амал қилиш ҳар кимнинг ҳам қўлидан келавермайдиган иш экан. М. Бозорова «Азамиддин» хусусий фирмасини ташкил этганидан сўнг уч йил ўтиб, шу фикрга келган бўлса ажаб эмас. Бунинг сабаби куйидагича: М. Бозорова 1995 йил 20 апрель куни ўзига қарашли умумий баҳоси 120 минг сўм бўлган, Қарши шаҳар Механизатор кўчасидаги 10-уйнинг 2-А хонасини уй-рўзғор буюмлари билан гаровга қўйиб, Қарши шаҳар «Тадбиркорбанк»и билан 4/2 рақамли гаров шартномаси тузади. Шартномага асосан банкдан 1995 йил 30 ноябрга қадар устамасини қўшиб қайтариш шарти билан қисқа муддатли 100 минг сўм кредит олади. Ушбу маблағни 1995 йил 29 майдаги 91-рақамли тўлов топшириқномасига асосан Қарши тумани Бешкент шаҳридаги «Мунаввар» кичик корхонаси ҳисоб-китоб рақамига ўтказиб, эвазига ундан 2 тонна 190 кг пахта ёғи ундиради. Аммо, уни фирма ҳисобига кирим қилмасдан, тергов даврида аниқлаш имконияти бўлмаган номаълум шахсларга 43800 сўмга (ҳар килограмми 20 сўмдан) сотиб юборади. Нима ҳам дердик, Шайтони лаъин Моҳирага ҳисоб рақамидаги 100 минг сўмдан нақд 43800 сўмни авло қилиб кўрсатган бўлса ажаб эмас. Бу хатти-ҳаракатлар эса Ўзбекистон ЖКнинг 167-моддаси 3-қисми «в» бандига асосан жиноят ҳисобланади.

М. Бозорова нима қилиб бўлса ҳам банкдан олган кредитни ўз вақтида қайтарғандир, деб ўйларсиз? Ҳамма гап шунда-да. М. Бозорова кредитни банкка қайтармаган. Иш вилоят Хўжалик судига оширилган. 1996 йил 4 декабрь куни М. Бозороводан кредитни ундириш ҳақида хўжалик судининг ҳал қилув қарори чиқарилган. Суднинг қарорини бажармагани учун 1997 йил 4 март, 12 ноябрь, 1998 йил 16 март, 27 апрель кунлари расман огоҳлантирилган бўлса-да, М. Бозорова олган 100 минг сўм кредитни, унинг устамаси ва суд харажатларини тўлашдан уч йил давомида қасддан бош тортиб келган. Бу билан ЖКнинг 232-моддасида кўрсатилган жиноятни содир этган. Айбдор қилмишига яраша жазосини олди. Аммо, уч йил давомида унинг «эрта-индин» деган ваъдалари билан қаноатланиб келган мутасаддиларнинг сабру бардошига «қойил» дейиш керак. Тўғрими?

Ш. ФАЙЗИЕВ,
Қарши шаҳар прокуратураси катта терговчиси.
Ҳ. НИШОНОВ,
«Ҳуқуқ» мухбири

• *Қисқача*

Шу йилнинг 27 сентябрь куни 5 минг тоннага яқин нефть билан кетаётган Малайзия танкери портлаб кетди.

* * *

Бугун Бриджит Бардо 65 ёшга тўлди.

* * *

«Вихрь-Антитеррор» операциясининг ўтказилиши натижасида Россия-нинг турли шаҳарларида охирги пайтларда 521 тоннадан ортиқ портловчи модда қўлга олиниб, 16 та портлашнинг олди олинди, дейди Россия Ички ишлар вазири В.Рушайло.

* * *

БМТнинг Шарқий Тимордаги кўп миллатли тинчлик сақловчи кучлари ҳарбий операциялар ўтказилиши натижасида бир нечта жакарталик жангариларни қўлга туширдилар.

* * *

РИА «Новости»нинг хабар беришича Молдованинг қалбаки спиртли ичимлик-лари Россия бозорларида ҳақиқий спиртли ичимликлар билан теппа-тенг рақобатлашмоқда.



Суратда: Булғуси терговчилар амалий тажриба жараёнида.

• *Прокурор назорати*

МАОШИМИЗНИ ҚАЧОН ОЛАМИЗ?

(Бошланиши 2-бетда)

аниқланди. Яъни иш берувчи ўзининг молиявий ҳолатидан қатъий назар ходимга бажарган иши учун ҳақни белгиланган меҳнат ҳақи шартларига мувофиқ тўлаши лозим. Ваҳоланки, қонун бўйича иш ҳақи бериш муддати ҳар ярим ойда бир мартадан кам бўлиши мумкин эмаслиги белгиланган.

Шаҳар прокуратураси томонидан ишчи-хизматчиларга иш ҳақи ундириб берилгандан кейин, регрес тартибда ташкилот раҳбаридан ташкилотга етказилган зарарни ундириш ҳақида судга даъво аризалари киритилган ва бу аризалар суд томонидан қаноатлантирилган.

Чунончи, Янгиер шаҳар прокурорининг даъво-аризаларига кўра Меҳнатобод туман судининг 1999 йил 4 май кунги ҳал қилув қарори билан «Мирзачўлқурилиш» бирлашмасига қарашли 5-сонли Механизациялашган кўчма колоннадан шу ташкилот ишчиси Шерманов Эшбекнинг 1998-99 йилги иш фаолияти учун 57820 сўм ва 8673 сўм давлат божи ундирилган.

Бошлиқ М.Шамсиев ўз хизмат вазифасини лозим даражада бажармай, ташкилотга моддий зарар етказди.

Шу боисдан, шаҳар прокурорининг даъво аризасига асосан шаҳар суди томонидан 5-сонли механизациялашган кўчма колоннага етказилган 8673 сўм миқдоридаги моддий зарар ташкилот раҳбари М.Шамсиевдан тўлиқ ундириб олинди.

Ушбу масала юзасидан Янгиер «Сувоқова» корхонасида ва «Сирдарё СМУ» ташкилотида ҳам текшириш ўтказилди.

Бу корхоналардаги аҳвол ҳам анчагина ачинарли ҳолатда. Биргина Янгиер шаҳар «Сувоқова» корхонаси бўйича дебиторлик қарзлари ўз вақтида ундирилмаганлиги, шунингдек ундириш учун аниқ, амалий чора-тадбирлар кўрилмаганлиги оқибатида, корхона ишчи-хизматчиларига 1999 йил 1 август ҳолатига кўра жами 4715 минг сўм иш ҳақи тўланилиши таъминланмаган. Корхонанинг 16832 минг сўм дебитор қарзлари пайдо бўлишига йўл қўйган, ишчи-хизматчиларнинг иш ҳақларини ўз вақтида тўлаш чораларини кўрмаган, корхона бошлиғи Т.Расуловнинг ҳаракатларида МЖКнинг 49-моддасида кўрсатилган ҳуқуқбузарлик аломатлари мавжудлиги сабабли унга нисбатан маъмурий жавобгарликка оид иш қўзғатилди.

Прокурор аралашувидан сўнг, «Сирдарё СМУ» ташкилотининг иш ҳақидан қарз суммалари 1 миллион сўмдан ортиқ миқдорга камайтирилди.

Шу ерда бир мулоҳаза туғилади. Нима учун корхона-ташкилотлар тўлаш имконияти бўла туриб, ишчи-хизматчиларга ойлик маошларини ўз вақтида тарқатмаяпти?.

Иш ҳақини ололмай тирикчилик ўтказишга моддий жиҳатдан қийналиб қолган ишчилардан қандай қилиб иш талаб қилиш мумкин?

Бу ҳолатда корхона-ташкилотлар иши олдинга эмас, орқага силжиётгани тайин-ку. Наҳотки, корхона ташкилотлар мутасадди раҳбарларининг онги шунга етмаса?..

М.БОБОЁРОВ.
Янгиер шаҳар прокурори, I даражали ҳуқуқшунос

• *Божхона хабарлари*

Тожикистон Республикасининг Зафаробод туманидан Ховос кўрғонига келаётган Ў.Ҳотамовнинг юриш-туриши божхоначиларда шубҳа уйғотди. Шу сабабли, у кўрикдан ўтказилди. Тиббиёт ходимлари иштирокида ўтказилган текширув вақтида ички органидан целлофан қопқозга ўралган оқ рангли кристалл модда топилди. Экспертиза хулосасидан маълум бўлишича бу модда 5,7 грамм миқдоридаги героин гиёвандлик моддаси экан.

***

Шу йилнинг 15 июлида божхона назорати И.Қурбонов ва У.Ҳамроқулов томонидан Ховос туманига қараб сўқмоқ йўлдан кетаётган Мирраҳим Мирзамидов ва Эргаш Сафаров тўхтатилиб, улардан кўздан ҳоли йўллар орқали қаёққа бораётганликларини сўрашади. Божхона ходимларини кўриб оёқларига қалтироқ кирган ҳамроҳлардан бири - Э.Сафаровнинг қўлидаги сумка текширилганда целлофан пакетларга ўралган вазни 1 килограмм 350 грамм бўлган опий моддаси топилиб, далилий ашё сифатида олинди.

У.ЧИНТОШЕВ,
«Ширин» божхона маскани бошлиғи, божхона хизмати капитани

• *Ёшлик — бебошлик эмас*

Ёшлик- инсон умрининг бебаҳо фасли. Одатда уни баҳорга қиёс этадилар. Бу даврда ҳар қандай ёш йигит - қиз юрагининг қайсидир бурчагида ноаниқ ҳислар куртак ёза бошлаб, беғубор болалик билан хайрлашган кўнгил ёшликнинг нурли чаманида сайр этади. Қалбга ишқ ташриф буюради. Муҳаббат отлиғ беназир туйғулар оғушидан сармаст кўнгиллар гўёки етти қават осмонга парвоз қилади. Севмоқ-севилмоқ, кимнингдир суюкли кишиси бўлмоқ бахти, қувончу шодлиги ўзгача. Шунинг учун ҳам ёшликни «олтин давр» дейдилар-да.
Бироқ баъзан ўйлаб-ўйламай босган қадамимиз, қилган амалимиз туфайли ёшликнинг баҳорий насимлари изғиринга, ифорли чамани хазонга айланганини сезмай қоламиз.

Ё ҚИЗ, Ё ПУЛ

Тошкентга иш қидириб келган Нуриддин ҳамкишлоғи Рустамни учратиб қолди-ю, енгил нафас олди. Ҳарна, бегона жойда якининг бўлгани яхши-да. Улар тез-тез учрашиб турадиган бўлишди. Ҳатто унда- бунда чиқиб турадиган «соққа»ли ишларни ҳам биргаликда бажаришарди.

Кунларнинг бирида Нуриддин янги гап топиб келди.

- Метро бекатида чинозлик бир қиз билан танишиб қолдим. Эртага учрашувимиз бор.

Аммо эртаси куни чинозлик қиз учрашувга келмади. Шундай бўлса-да, Нуриддин сурхондарёлик Мавжуда исмли қиз билан танишганини, уни кафега таклиф этиб, анча-мунча пул сарфлаганини, у қизни севиб қолганини оғзидан бол томиб сўзлаб берди.

Бир куни Нуриддин танишининг ётоқхонасида ош қилиб, Мавжудани меҳмон қилмоқчи эканлигини айтиб, Рустамни ҳам таклиф этди. Зиёфат тугагач, Мавжудани ётоқхонасига кузатиб қўйган Нуриддин йўл-йўлакай унга севги изҳор этди. Қиз эса Ҳамидулла исмли севган йигити борлигини, ундан кечмаслигини айтди. Нияти амалга ошмаган Нуриддин рақиби билан учрашишни кўнглига тугиб қўйди...

Нуриддин Ҳамидуллани Мавжуданинг ётоқхонаси олдида учратди.

- Сен ука, дамингни ол. Мавжуданинг йигити мен бўламан. У мени севади,- деди Нуриддин ўдағайлаб.

-Кимни севишини Мавжуданинг ўзи айтсин,- Ҳамидулла ҳам бўш келмади.

Қизнинг « Мен Ҳамидуллани севаман» деган қатъий сўзи Нуриддиннинг ғазабини қайнатди.

Йигитлик ғурури қўзғалган Нуриддин эски танишлари бўлмиш Қандаҳор, Собир ва Рустамларни ёрдамга чорлади.

- У қизга анча-мунча «расход» қилдимми? Энди у йигит ё қиздан воз кечсин, ё харажатларимни тўласин,- деди у.

Оғайнилар ҳам Нуриддинни қўллаб-қувватлашди. Ҳамидулладан 20 минг сўм пул талаб қилишга келишишди. Режа бўйича Нуриддин оғайниси — муқаддам безорилик жинояти содир этгани учун судланган Рустам билан Ҳамидулланинг олдига боришди.

-Ё қиз, ё пул,- Нуриддиннинг сўнгги сўзи шу бўлди.

Рустам эса Ҳамидуллани қўрқитиб қўйиш учун четга тортди:

- Булар қайтмайдиган йигитлар, барибир айтганларини қилишади,- деди.

Ҳамидулла ортга чекинмади. Йигитлар қайтиб кетишди. Аммо бир неча кун ўтгач, олами босилмаган «ошиқ» Собир ва Қандаҳорни ёнига олиб, тағин рақибининг йўлини тўсди.

- Сен кимлар билан ўйнашаётганингни билмайсан чоғи. Билиб қўй, оқибати ёмон бўлади. Агар фалон куни пулни олиб келмасанг, ўзингга, айниқса, қизга ёмон бўлади,- шундай дея йигитлар ортга қайтишди.

Айтилган муддатда пул тополмаган Ҳамидуллога яна қўшимча муддат беришиб, ҳатто бироз «енгиллик» сифатида пулни 15 мингга туширишди. Аммо у бунча пулни қаердан олади? Пул тополмасачи? Унда нима бўлади? Йўқ, Мавжудага қўл теккизиб қўришсинчи... Унинг хаёлида фақат шу каби ўйлар чарх ураради. Ҳамидулла ўйлаб-ўйлаб сўнгги ва энг тўғри йўлни танлади. Милиция бўлимига мурожаат этди. Милиция ходимлари эса товламачиларга топшириш учун 5 минг сўм пулни Ҳамидуллага беришди.

Ҳамидулла пулни оғайниларнинг ётоқхонасига олиб борди. Нуриддин пулни олгач, қолган 10 минг сўмини ҳам олиб келишини тайинлаб, уни хонадан чиқариб юборди.

Шу пайт хонага милиция ходимлари кириб, Рустамни жиноят устида қўлга олишди. Нуриддин, Собир ва Қандаҳорлар эса воқеа жойидан қочиб қолишга улгиришди. Олиб борилган тезкор ҳаракатлар туфайли Собир ва Қандаҳор қўлга олинди. Нуриддинга нисбатан эса қидирув эълон қилинди.

Шундай қилиб, суд бу товламачиларнинг ишини кўриб чиқиб, Рустам Тошбоевга 6 йилу 6 ой, Собир Мирзанов ҳамда Кандаҳор Тошбоевга эса 6 йилдан қамоқ жазоси белгилади.

Ҳа, ёшлик бебошлик деймиз. Аммо ана шу бебошликнинг оқибати баъзан қимматга тушишини хаёлимизга ҳам келтирмаймиз. Баъзан фарзандимиз бировнинг бурнини қонатса унга танбеҳ бериш ўрнига елкасига қоқиб, фахрланиб қўямиз. Шикоят қилиб келган боланинг ота-онаси билан тортишиб, фарзандимизнинг ёнини оламиз. Аммо билиб-билмай қилган бу хатти-ҳаракатларимиз бир кун келиб фарзандимизнинг бошқа бир каттароқ жиноят содир этишига сабаб бўлганда афсус чекиб қоламиз. Нима бўлди, қаерда адашдим, қабилидаги саволлар гирдобида гарқ бўламиз. Бироқ ҳеч қачон айбни ўзимиздан ахтармаймиз. Энг катта хатомиз ҳам ана шу. Келинг, кўзимизни каттароқ очиб, дунёга теранроқ боқайлик. Бугун фарзандларимиз нима билан машғул? Эртага нима қилмоқчи? Нималарга қизиқмоқда? Дўстлари борми? Ким улар? Ана шу каби саволларни ўз-ўзимизга бериб, болаларимизнинг ҳар бир босган қадамини назорат қилиб турмоғимиз лозим. Зеро, ҳеч бир ёш умрининг баҳорий лаҳзалари бевақт хазонга айланмасин.

Жаҳонгир ШАРОФБОЕВ,
«Ҳуқуқ» мухбири

• *Армон*

БИР МУҲАББАТ ТАРИХИ

Ёшлигимда бошимдан ўтказган бир воқеа ҳали-ҳануз ёдимдан чиқмайди. Ҳозирда кўпчилик ёшлар муҳаббат борми, деган савол атрофида баҳслар юритишади. Кимга қанақа-да, барибир. Аммо бугун мен унинг борлигини айтиб даъво қилмоқчи эмасман. Балким, бу воқеага баъзилар ишонмаслиги мумкин.

Ёшлик пайтимда кишлоғимиздаги бир қизга кўнгил қўйдим. Унинг ҳам менда кўнгли бордек эди. Мактабни тугатгач, мени ҳарбий хизматга олиб кетишди. Хизмат давримда хатлар ёзиб турдим. Хижронли икки йилни бир амаллаб ўтказиб келсам, севган қизимни бошқа бир йигитга унаштириб қўйишибди.

Ахир, мен икки йил унинг фикру-ёди, васли умидида яшадимку. Ғазабим қўзиб, милтиқни олдимда, қизнинг уйи сари йўл олдим. Боғларидаги дарахтлар панасига беркиниб турдим. Севган қизим қўлида нимадир кўтариб чиқиб қолди. Милтиқни қўлимга олдиму,...ҳаяжон босди мени. Ахир қандоқ отайин, мен уни севсам! Лекин ўзганинг ёри бўлишини ҳам истамасдим. Хуллас, ғурурим севгимдан кучлилик қилди шекилли, кўзимни «чирт» юмиб, тепкини босдим...

Қиз йиқилди. Энди унингсиз менга ҳаётнинг нима кераги бор?! Милтиқнинг учини қорнимга тираб, оёғим билан тепкини босдим.

Кўзимни очсам касалхонада ётибман. Қорним бинт билан боғлаб ташланган. Биринчи сўраган нарсам севган қизим бўлди. Ўқ унинг елкасига тегиб, омон қолибди. Қизнинг ота-онаси касалхонага келишиб, роса тўполон қилишди. «Қаматамиз» дейишди. Ўлимдан қўрқмаган кишига қамоқ нима!

Етти йилни қамоқхонада ўтказдим. Севган қизимни бўлса, барибир, ўша йигитга узатишди. Орадан 30 йил ўтди. У ҳам оилали, менинг ҳам 5 нафар фарзандим бор. Аммо ёшликдаги ўтли муҳаббатимни ҳамон завқ билан, армон билан хотирлайман.

Шухрат Б. Сирдарё вилояти

СЕВГИ

Кўлимдаги қаламим - сенсан,
Дил қувончим, аламим - сенсан.
Сенсиз кемтик ҳаётим, бахтим,
Дардли шеърий оламим - сенсан.

Бору йўғим - умримсан менинг.
Диёнатдай асрайман сени.
Сен - шоирсан, бахшисан, севги,
Юрагимнинг нақшисан, севги.

Исматилло ЙЎЛДОШЕВ,
хукукшунос



• *Ишқ бекати*

ҲАЙРАТНИНГ СУРАТИ

Акалари учираётган варракка ҳаяжон билан тикилиб турган болакайни кузатганмисиз? Унинг дилида не ҳислар туғён қилмоқда? Асримиз бошларида Туркистон осмонида самолётларни илк бор кузатган унинг боболари вужудини ҳам шу ҳаяжон қамраб олган эди. Тўғри, бу икки авлод қалбини титратган ҳайратнинг сабаблари бошқа-бошқа. Аммо гап бунда эмас. Жамики тирик мавжудотлар ичида фақатгина инсонга хос туйғулардан бири - шул ҳайратнинг ўзи кишиктиради бизни.

Тест синовларидан ўтиб, талаба деган номга, ўзимизча бир унвонга сазовор бўлган онларимиз эди. Луғатимиздан «аудитория», «домла», «конспект» ва албатта «стипендия» каби сўзлар мустаҳкам ўрин олди. Дарсларда адабиёт, янги китоблар, спорт ва материализму идеализм хусусида баҳслашар эдик.

Бир куни, Муҳаммад Юсуф таъбирича, юрагим билан ёлғиз қолдим. Унда бир қизнинг сурати. Тошга нақшлангандек. Фақат ҳайратланаман. Хаёлимдаги буюк ёзувчи, халкимиз руҳияти, характери баъзи романлардагидан-да яхшироқ тасвирланган машҳур «Ўзбек характери» ҳикояси муаллифи Шукур Холмирзаев билан учрашганимда ҳам ҳаяжоним бунчалик бўлмаган. Француз ёзувчиси Стендалнинг «Қизил ва қора» романидаги бир эпизод ёдингиздадир. Ўн етти - ўн саккиз ёшлардаги Жюльен шаҳар мэри жаноб де Реналнинг ҳовлиси дарвозасида роман қаҳрамонларидан яна бири - гўзал де Реналь хоним билан илк марта учрашади. Де Реналь хонимнинг гўзаллигидан лол қолган Жюльен лом-мим дея олмайди, фақат кўзларидан дув-дув ёш тўкади, холос. Гарчи қатра ёш тўкмаган бўлсам-да, юрагимдаги суратни кўриб, мен ҳам Жюльеннинг ҳолига тушган эдим.

Рост, у қиз де Реналь хоним ёки «Ўтган кунлар»даги Кумушбиби даражасида ҳусндор эмасди. Унинг кўнгли чиройли эди. Йиллар ўтиб у билан яқин дўст бўлиб кетдик. Бу дўстлик тарихи алоҳида бир қисса.

Талабаликнинг охирги лаҳзалари ҳам ўтди. Қалдирғоч болалари каби курсдошлар ҳар томон тарқалишдик. Мен ҳамон ҳайратланардим.

Орадан бир йил ўтиб, якинда у қизнинг турмушга чиққанини эшитдим. Акалари учираётган варракка ҳайрат билан тикилган, ўзи ҳам осмонларда учгиси келган, қанотлари йўқлиги эсига тушиб изтироб чеккан боладай ўкиндим. Уни унут, дейишди кўнглимни билганлар. Мен эса юрагимдаги ул суратни ўчириб ташлаёлмайман. Юрагим тош эмас ахир, азизлар!

ҲАСАНБОЙ

• *Бадиа*

ЙИҒЛАРМАНУ ЎЛМАСМАН АММО...

Унинг руҳи шундай синиқдики, алам-лардан, изтироблардан жони қийноқ-да қолди. Ҳаётнинг аччиқ шароби жони-жаҳонини куйдириб юборди. Еган оши заҳарга, юрган йўли аламга ай-ланди. Ўзига ачиниш билан боққан кўзларни зимдан сезиб, баттар эзилди. Уйлар давомида юраги тўрида асраган орзу-умидини йўқотган эди.

Ўша онда дунё кўз ўнгида остин-устин бўлиб кетди. Йиллар суянгани сабот, йўлдоши бардош чил-чил синди. Қуруқ, ҳиссиз бўлиб қолган вужуди узра ҳаёт «тамом» деган ўкинч кеза бошлади.

Унинг юз-кўзларини сийпалаётган жажжи, дўмбоқ қўлчалар ўлиб қайта тирилган вужудидаги қийноқларну алам ва изтиробларни сидириб тушираёт-гандай бўлди. Бири эркалик қилиб пинжига тиқилган, иккинчиси эса унинг ёшли кўзларига ҳайрону лол боқиб турган жажжи вужудлар кўнглидан алам булутларини қувди. Дилбандларини маҳкам бағрига босди.

Юрган йўлларида қайтадан гуллар очилгандек, одамларнинг юзларига ҳавас қайтадан ингандек бўлди. Бир шоирнинг «Мени ташлаб кетганинг билан, йиғларману ўлмасман аммо» сатрлари ёдига тушди.

Дунё гўзаллигини, меҳру вафони бағрига сингган ана шу икки жажжи жуссадан топди .

Йиғламасдан яшамоқни ўрганаман.

Юлдуз куйлайди. Қўшиқларининг сўзи ўзи каби ёниқ, юракка яқин. Сим-сим бўлиб оқади вужуд. Беихтиёр унга қўшилиб хиргойи ҳам қилиб қоласан.

Ўргатаман, Ўргатаман ,Ўргатаман,

Йиғламасдан яшамоқни ўргатаман,,,

Қани ўргата қолса...

Қаердандир қуёш чиқади. Дилларни хуноб қилган булутларни аста қувади. Ҳаёт эса фақат хиёнатдан иборат эмас эканлигига имон келтирасан.

Сиздан ўрганаман, Юлдуздан эмас, йиғламасдан яшамоқни ўрганаман...

Дилором Эсонова.



Табиатга меҳру муҳаббат.

• *Бир чимдим кулгу*

Учрашувга чиққан тортинчоқ йигит ярим кечагача тузукроқ гап тополмади.

Ниҳоят сўради:

- Жонгинам, эркак киши бўлишни хоҳлармидинг?

- Ўзингчи, жоним?

***

Кекса ёзувчи шогирдига танбеҳ бераяпти:

- Ҳайронман, сен Шекспир, Дьюма кабиларнинг асарларини ўқимасдан туриб ўзингни ёзувчи ҳисоблайсан?

- Мен бошқа нарсага ҳайронман. Қандай қилиб улар мени ўқимай, шундай асарларни ёзишган экан?

***

Подшо «энг яхши шеър ёзган одамга катта мукофот ажратаман», деб мамлакатга жар солдирибди. Бу хабарни эшитиб Афанди ҳам илҳом излаб тоққа чиқиб кетибди. Тоғда у қаландар кийимида айланиб юрган подшога йўлиқибди ва ўзининг маза —матрасиз шеърини унга ўқиб берибди.

Подшо шеърни эшитиб: - Бу шеърнинг подшога ёқмаса керак - дебди.


Афанди эса: -Ёқса ёқди, ёқмаса падарига лаънат, деб кетаверибди.

Ниҳоят белгиланган кун келиб Афанди ҳам шеърини ўқиб бериш учун подшо ҳузурига кирибди. Қараса подшо ўша тоғда учраган қаландар экан. Афанди «нима бўлса бўлди» деб шеърини ўқибди.

Подшо: - Бу шеърнинг менга ёқмади.

-Подшоҳим, ёқса ёқди, ёқмаса ўша тоғдаги гап.

КРОССВОРД



Бўйига: 1. Кўйлакнинг «зулфи»ни. 2. Кўлнинг юзи. 3. Эгри-бугри юрадиган одам. 4. Деҳқончилик асбоби. 5. Пиширилган тери. 6. Балиқнинг уруғи. 7. Ошиқмасдан кута билиш. 8. Дунё томонларидан бири. 13. Чўлда ўсадиган тиканли ўт. 14. Улаб қўйиладиган, уланган соч. 15. Белгили тартибда бошқариш. 20. Ўзбек шоираси. 21. Сариқгина тўни бор, ичи тўла дони бор. 22. Нарсанинг фазилати, хислати. 23. Суюқликни тортиб чиқариш учун ишлатиладиган асбоб. 24. Ейиш учун тайёрланган овқат. 25. Зар гилам, заргар гилам, кўтарай десам, оғир гилам. 26. Пастки жағнинг ҳар икки томони кўшилиб бирлашган жойи. 27. Бир хил мол билан савдо қилувчи дўконлар мажмуи. 32. Кишини раҳмини келтириш, ачинарли. 33. Томошабоғ, истироҳат боғи. 36. Вақтли матбуотларга ёзилиш. 37. Нопок нарсалар билан бўлғанган. 39. Театр ва кино ишчиси. 40. Ерга тушса лой қилар, деҳқонларни бой қилар. 42. Бошлиқнинг ўрнини босадиган киши. 45. Ороллар тизмаси. 46. Патниси бор, нони йўқ, ашулачи, жони йўқ. 47. Устозни улуғлаб, номига қўшиб айтиладиган сўз. 49. Пачақ, ишдан чиққан. 51. Буғда пиширидиган таом. 53. Йўл-йўл ип ёки мато. 54. Жамият ва давлат тузилиши системаси. 58. Онасидан кийим-бошим, боласидан ёғли ошим. 59. Кўзи ожиз одам. 62. Графдан бир поғона паст унвон. 63. Узунчак, учи тугунчак. 66. Ўзбекистонда чиқариладиган музлатгич номи. 69. Овқатни хушхўр қилувчи зиравор. 70. Ялтироқ қимматбаҳо табиий тош. 71. Белга белбоғ ёки «тарбия қуроли». 73. Подшоҳнинг «ўринбосари». 75. Ўйнашсанг, ҳар боб билан ўриши мумкин. 76. Озиқ-овқат сақланадиган бино. 78. Даврий системанинг иккинчи гуруппасидаги элементларнинг умумий номи. 79. Фикрнинг ёзма ифодаси. 80. Ўн икки бурҳнинг бири. 85. Майда-чуйдалар билан савдо қилувчи киши. 86. Изланган тонади. 87. Денгизнинг йиртқич ҳайвони. 91. Абдулла Қаҳҳорнинг романи. 92. Озгина вақт. 94. Елкаси бор, боши йўқ, оғзи бор, қўли йўқ. 95. Тепалик ерлар, қир. 96. Намозни бошқарувчи шахс. 97. Гина-кудурат ҳолати. 98. Газмол тўқишга ишлатиладиган ингичка ип. 99. Маълум соҳага ёки жойга оид кемалар мажмуи.

Энига: 2. Қат-қат қулоқ, дум-думалоқ. 4. Туянинг «сувдони». 6. Чин юракдан ишониш. 9. Пардоз-андоз буюми. 10. Юз йилга тенг давр. 11. Подшоҳлар яшайдиган қаср. 12. Зув қатнар, достон ўқир, ғалвир тўқир. 16. Қаттиқ бардош, сабот. 17. Сирти таёқ, ичи бўёқ. 18. Афсонавий катта илон. 19. Ҳайдалган ерлардаги кесакларни майдалайдиган қишлоқ хўжалик қуроли. 22. Оч малла, сомон ранг от. 24. Оз бўлса «сол» дейди, кўп бўлса «ол» дейди. 28. Бирор кайфиятни ифодаловчи овоз, товуш. 29. Узум нави. 30. Ернинг «томи». 31. Отанинг опаси. 34. Айнан ўхшашлик, бир хиллик. 35. Хомхаёл одам. 38. Дипломатик расмий билдириш. 41. Эртак. 43. Тугал маъно ифодалайдиган сўз. 44. Зиё маскани. 48. Томоша ҳақидаги эълон. 50. Оқланган галла маҳсулоти. 52. Японияниг машҳур фирмаси. 54. Ясси ёғоч бўлаги. 55. Опа-сингилга уйланган йигитлар. 56. Йиғин, мажлис. 57. Киноя, рамзли тил ёки Юнон масалчиси. 60. Оқсоб юрадиган киши. 61. Адабий асарлар ёзиш билан шуғулланувчи киши. 63. Ҳовузнинг «булбули». 64. Италиянинг футбол жамоаси. 65. На у ёқли, на бу ёқли. 67. Илтимос ёки шикоятнинг қоғоздаги шакли. 68. Италиянинг «Ювентус» футбол жамоаси ўйинчиси. 72. Ўз-ўзини удда қилолмайдиган одам, ношуд. 74. Синган корхона ёки савдогар. 77. Самовий жисмларнинг ҳаракат йўли. 81. Дилдаги истак, интилиш. 82. Қилмиш учун сўралган узр. 83. Тасаввурдаги кўриниш, сиймо. 84. Дарё, дарё устида бўйра. 88. Ҳам сувда, ҳам қуруқликда яшайдиган калтакесаксимон жонивор. 89. Табибнинг мижози. 90. Космик кема. 93. Исботсиз теорема. 96. Кишидаги матонат ва қатъият. 98. Нофелет. 100. Оҳ, у. 101. Бирор нарсани ҳаракат билан билдириш. 102. Эркакнинг жуфти. 103. Энг улуғ зот. 104. Айтишув қўшиғи. 105. Сўзнинг кўчма маъноси. 106. Айғоқчи.

Тузувчи И.ЗОИРОВ

ЎТГАН СОНДА БЕРИЛГАН КРОССВОРД ЖАВОБЛАРИ :

Энига: 1.«Насаф» 4.Акбар. 8.Отатурк. 13.Арасту. 14.Импорт. 15.Америка. 16.Бедана. 18.Малави. 19.Астра. 20.Атлас. 26.Мавритания. 27.Колумб. 29.Диод. 30.Хижолат. 31.Чаён. 34.Руанда. 35.Мозандарон. 39.Анжир. 40.Илдам. 44.Афсона. 46.Самара. 47.Саванна. 48.Графит. 49.Милтиқ. 50.Камалак. 51.Қамал. 52.Тамба.

Бўйига: 2.Афанди. 3.Астана. 5.Компас. 6.Аломат. 7.Самбо. 9.Темурмалик. 10.Тире. 11.Ракета. 12.Атоий. 17.Майор. 21.Амударё. 22.Автомат. 23.Философ. 24.Суматра. 25.Абонент. 28.Капабланка. 32.«Одина». 33.Адрас. 36.Тирана. 37.Танга. 38.Искана. 39.Ангина. 41.Малина. 42.Мактаб. 43.Халқа. 45.Тақа.

Мустақиллик ҳуқуқ демакдир
Ҳуқуқ
ЮРИДИК ГАЗЕТА
Газета Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитасида № 00150 рақам билан рўйхатга олинган.

ТАЪСИСЧИЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Прокуратураси, Тошкент шаҳар ва Тошкент вилояти прокуратуралари, «Қонун ҳимоясида»журнали

Манзил: 700047, Тошкент шаҳри, академик Яҳё Ғуломов кўчаси, 66-уй.
Телефонлар: 77-72-25, 133-82-34, 133-63-88.

Бош муҳаррир: Абдуҳолиқ АБДУРАЗЗОҚОВ
Таҳрир ҳайъати: Бўритош Сайфуллаев,Ботир Пўлатов, Дилшод Исломов (масъул котиб), Мэлс Наимов, Лола Шомуротова, Бахтиёр Назаров (Бош муҳаррир ўринбосари), Зайниддин Мамадалиев

Муаллифларнинг фикри таҳририят фикридан фарқланиши мумкин.Кўчириб босилганда «Ҳуқуқ»дан олинганлиги кўрсатилиши шарт.

«Ҳуқуқ» оригинал макети. Газета PENTIUM - II mmx компьютерида саҳифаланди.

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонасида босилди. Манзил: Тошкент, Буюк Турон кўчаси - 41. Нусхаси - 12749. Буюртма Г-0675. Бичими А-3.

Навбатчи: Н.МАҲМУДОВ
1 2 3 4 5 6

Сотувда эркин нархда.

Босишга топшириш вақти: 20.00
Босмахонага топширилди: 20.20